

Фидя нима?



10:36 / 29 март 14013

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«У(рўза)ни қийналиб тутадиганлар зиммасида мискин таоми фидя бордир» ояти қари чол ва қари кампирга тегишли рухсатдир. Икковлари рўзани қийналиб тутурлар. Улар оғизларини очиб, ҳар бир кун ўрнига бир мискинга таом берурлар. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар қўрқсалар, оғизларини очурлар ва таом берурлар»

Бухорий «Тафсир»да ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Бухорийнинг лафзида:

«Ибн Аббос:

«Бу оят мансух эмас, балки қари чол ва кампир учундир. Улар рўза тутишга қодир эмас. Бас, ҳар бир кун ўрнига бир мискинни таомлантирурлар», деди» дейилган.

Маълумки, Исломда инсонни тоқатидан ташқари ишга тақлиф қилиш йўқ. Жумладан, рўза масаласида ҳам. Шу маънода Аллоҳ таоло ўта қариб

қолганлари туфайли рўза тутса қийналиб қоладиган чол ва кампирларга рўза тутмасликка рухсат берган.

Бу ҳақда Бақара сурасида оятлар келган. Биз ўрганаётган ривоятда улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ана шу ояти кариманинг ҳукмини тушунтириб бермоқдалар.

Мазкур оятга кўра, ўта қари чол-кампирларга рўза тутмасликка рухсат бор ва рўзаси тутилмаган ҳар бир кун эвазига бир мискинга таом беришлари мумкин.

Баъзи бир кишилар ўзлари соғ бўлсалар ҳам ёшлари катталиги туфайли рўза тутишга қийналадиган бўлиб қоладилар. Ана шундай кишилар ҳам рўза тутмасликлари мумкин. Рўзанинг ўрнига фидя берадилар.

«Фидя» сўзининг луғавий маъноси «фидо қилиш» бўлиб, шариатда маълум бир нарсанинг ўрнига мол сарфлаш фидя бериш деб аталади.

Қариликлари туфайли рўза тутмайдиганлар учун фидя беришнинг жорий қилиниши бежиз эмас. Унда мискинларнинг манфаати билан бирга ўша рўза тутмаган кишиларнинг ибодатни адо эта олмаганлари учун афсус-надоматларини енгиллатиш ҳам бор.

Бу ривоятда қари чол ва кампирлар ҳукмига ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳам қўшилиши, агар улар ёш болаларининг соғлиғига зарар етишидан қўрқсалар, оғизларини очиб юришлари мумкинлиги ва кейин фидя беришлари кераклиги ҳақида ҳам сўз кетмоқда.

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар ўзлари ва болаларига зарар етишидан қўрқсалар, рўзани очиб юборишларига рухсат бор. Бунга ҳамма уламолар бир овоздан иттифоқ қилганлар.

Аmmo мазкур тоифадаги аёллар рўзанинг қазосини тутадими-йўқми, деган масалада хилоф бор.

Ҳанафий мазҳабида «Улар рўзанинг қазосини тутадилар», дейилган. Бу мазҳаб уламоларининг ўзларига яраша ҳужжат ва далиллари бор. Қари чол ва кампирларнинг фидя бериш билан кифояланишларига рухсат этилгани уларнинг кейинчалик ҳам рўза тутмасликлари эътиборидандир. Чунки улар борган сари қариб, заифлашиб бораверадилар. Уларнинг кейинчалик ёшариб, рўза тутишларидан умид йўқ.

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар эса вақтинчалик беморга ўхшайдилар. Ҳомилани туғиб, болани кўкрақдан ажратгандан сўнг яна рўзани тутиш имконига эга бўладилар. Бир йилда бир марта келадиган рўзани қазо қилиб тутиш осондир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди